

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

САНАҚУЛОВ АКМАЛ ЛАПАСОВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МИКРОЭЛЕМЕНТ
ТАРКИБИ ВА МИКРОЎҒИТЛАРНИНГ ПАХТА ЕТИШТИРИШДАГИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

06.01.04 – Агрокимё

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Санақулов Акмал Лапасович

Зарафшон водийси тупроқларининг микроэлемент таркиби ва микроўғитларнинг пахта етиштиришдаги самарадорлигини ошириш..... 3

Санақулов Акмал Лапасович

Микроэлементный состав почв Зарафшанской долины и повышение эффективности микроудобрений при выращивании хлопчатника..... 27

Sanakulov Akmal Lapasovich

Microelement composition of soils of Zarafshan Valley, and improving the efficiency of micro fertilizers for cotton growing..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

САНАҚУЛОВ АКМАЛ ЛАПАСОВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МИКРОЭЛЕМЕНТ
ТАРКИБИ ВА МИКРОЎҒИТЛАРНИНГ ПАХТА ЕТИШТИРИШДАГИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

06.01.04 – Агрокимё

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Qx12 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Хошимов Фарход Ҳакимович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Сатторов Джуракул Сатторович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик Ниязалиев Бегали Ирисалиевич қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Қориев Абдулла Абдухалилович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3–уй. Тел.: (+99871) 246–09–50; факс: (99871) 246–76–00; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3–уй. Тел.: (+99871) 246–15–38).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Қ.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

М.М.Тошқўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё пахтачилигининг асосий йўналишлари ресурс ва энергиятежамкор технологияларни жорий қилиш ҳисобига юқори ва сифатли пахта ҳосили олишга қаратилган. Чунки, дунё бўйича 30-40 фоиз ер майдонларида гумус, озик моддаларнинг камайиши, эрозияланиш жараёни кузатилиб, бу тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигининг камайишига олиб келмоқда. Ушбу ҳолатларни бартараф этишда АҚШ, Германия, Австрия ва бошқа давлатларда қишлоқ хўжалик экинларини озиклантиришда микроўғитларни қўллаш орқали эришилмоқда.

Республикамизда тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш, минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш асосида кўплаб турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигида энергиятежамкор технологияларни қўллаш, ўсимликларни макро- ва микроэлементлар билан қулай нисбатларда таъминланиши тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда ҳар йили 3 миллион тоннадан ортиқ пахта хомашёси етиштириш имконини бермоқда¹. Мамлакатимизни жадал ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида агрокимё хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё пахтачилиги амалиётида (АҚШ, Миср, Исроил, Туркия, Ҳиндистон кабилар) тупроқнинг микроэлементлар билан таъминланганлигини ҳисобга олиб микроўғитларни қўллаш орқали ҳосилдорликни 14-17 фоиз ошириш имконияти яратилмоқда. Бундан ташқари, турли шакллардаги микроўғитларни тупроққа қўллаш озик режимни мақбуллаштириши, ўсимликларнинг ташқи экстремал шароитларга бардошлигини ошириши кузатилмоқда. Шу жиҳатдан олганда, Республикамизнинг микроэлементлар танқис бўлган карбонатли тупроқлари шароитида юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда макро- ва микроўғитларни мутаносиб нисбатларда, қулай муддат, меъёр ва усулларда қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш агрокимё, пахтачилик соҳаларининг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 декабрдаги 03-12-7-сон «2017-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, агрокимёвий хизматлар сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлари Дастури» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ <http://uza.uz>

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Микроўғитларнинг самарадорлиги ва уларни ғўзада қўллаш технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Department of Agriculture (USDA), The University of Texas School of Law (АҚШ), University of Cordoba (Испания), SCPA; ITCF; EDP Sciences (Франция), Herbert Publication Limited; Inderscience Enterprises Ltd (Англия), Springer, Part of Springer Science+Business Media; Physiological and Pharmacological Society (Германия), Agricultural Academy of Bulgaria (Болгария), Chinese Cotton Research Institute (Хитой), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ғўза ҳосилдорлигини ошириш, микроўғитлар самарадорлигини ошириш технологиясини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: томчилатиб суғориш тизимида микроўғитларни қўллаш технологияси ишлаб чиқилган (The University of Texas School of Law (АҚШ); ушбу технология қўлланилиши ҳисобига пахта ҳосили 14-17 фоиз, тола чиқими ва сифатини оширишга эришилган (Chinese Cotton Research Institute (Хитой), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон); ўсимликдаги кўплаб физиологик-биокимёвий жараёнларга қатор микроэлементларнинг таъсири аниқланган (University of Cordoba (Испания), SCPA; ITCF; EDP Sciences (Франция); микроэлементларни қўллаш технологияси ишлаб чиқилган, микроэлементларни қўллашни мақбул меъёрлари аниқланган (Chinese Cotton Research Institute (Хитой), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон).

Дунёда тупроқ унумдорлигини сақлаш, макро- ва микроўғитлар самарадорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: микроэлементлар биогеохимёси ва агрокимёси, тупроқнинг элемент таркиби; гумусли ҳолатининг ўзгариши; тупроқ хоссаларини яхшиловчи агротехнологияларни такомиллаштириш; ресурс ва энергиятежамкор технологияларни ишлаб чиқиш.

² <http://www.usda.gov>; <http://www.caas.cn/en>; <http://www.iwmi.cgiar.org>; <http://www.en.wikipedia.org>; <http://www.dpi.nsw.gov.au>; <http://www.iari.res.in>; <http://www.cicr.org.in>; <http://www.altillo.com>; <http://www.icimod.org>; <http://www.global.oup.com>; <http://www.when.com>; <http://www.iung.pulawy.pl>

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроқларда микроэлементлар танқислиги, шунингдек ортиқча бўлиши ўсимлик, ҳайвон ва инсонларда қатор касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши Я.В.Пейве, М.Я.Школьник, В.В.Ковальский, В.А.Ковда, И.В.Якушевская, А.Н.Тюрюканова, Е.К.Круглова, М.М.Алиева, Г.И.Кобзева, Т.П.Попова, Б.М.Исаев, М.А.Риш, Ж.С.Саттаров, Қ.Мирзажонов ва А.Ғофуров, А.А.Каримбердиева ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шу боисдан тупроқ ва ўсимлик таркибидаги микроэлементларни ўрганиш ҳамда микроўғитларни қўллашнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш – юқори ва сифатли, рақобатбардош ҳосил олишнинг асосий негизи бўлиб ҳисобланади.

Я.В.Пейве, Е.К.Круглова, М.М.Алиева, Г.И.Кобзева, Т.П.Попова, Д.Х.Ходжаев, Б.А.Ягодин, Б.Исаев, Г.Рафиқова ва бошқаларнинг тадқиқотларида асосий эътибор микроэлементларнинг оксидланиш-қайтарилиш жараёнига таъсири, озик моддалар метаболизми, ғўзанинг ноқулай шароитларга чидамлилигини оширишдаги роли ва бошқалар ёритилган.

Айни вақтда Ўзбекистон тупроқларида микроэлементлар миқдори, айниқса ўзлаштирилувчан шакллари бўйича маълумотлар кам учрайди, кейинги йиллардаги деҳқончилик тизими, тупроқ гумусли ҳолати ва шўрланишнинг ўзгаришлари ҳисобга олинганда, бу борада илмий изланишларни давом эттириш зарурлиги аён бўлади.

Бинобарин, кўпчилик экинлар учун кобальтнинг роли ва унинг метаболизмга таъсири ҳар хил ҳудудларда чуқур ўрганилган (Б.А.Ягодин ва бошқалар), бироқ Ўзбекистон шароитида ушбу элементнинг ғўзага таъсири, тупроқ таркибидаги миқдори деярли ўрганилмаган. Шу билан бирга кобальтнинг ғўзага таъсири, ўсимликнинг ушбу элементга критик (танқис) ва максимал талаб даври, уни қўллаш технологияси, мақбул меъёри ва концентрацияси каби маълумотлар деярли учрамайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 01980004512 рақамли «Зарафшон воҳасига мослашган юқори ҳосилли ва сифатли деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда илмий жиҳатдан асосланган, экологик тоза маҳсулот етиштиришни таъминловчи янги технологияларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Зарафшон водийси тупроқларида В, Мn, Со, Сu, Zn, Мо ларнинг ялпи ва ўзлаштирилувчан шаклларини, профил бўйлаб тарқалиш қонуниятини аниқлаш, микроўғитларнинг чигит унувчанлигига таъсирини, метаболизмда кобальтнинг ролини аниқлаш ва уни қўллаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Зарафшон водийси турли тупроқ типи ва типчаларининг микроэлемент таркиби бўйича агрохимёвий ҳолатини аниқлаш;

микроэлементлар миқдорининг тупроқни гумусли ҳолатига, гранулометрик таркибига, муҳит реакциясига, озик моддалар миқдорига боғлиқлигини аниқлаш;

ғўзанинг кобальтга бўлган критик ва максимал талаб даврини ҳамда кобальт етишмаслигидан содир бўладиган морфологик аломатларини аниқлаш;

ўсимликнинг озикланишида кобальт ва асосий элементларнинг ўзаро таъсирини ҳамда унинг метаболизмидаги иштирокини аниқлаш;

кобальт микроўғитини турли муддат, усул ва меъёрларда қўллашнинг ғўза томонидан кобальт ва озик элементларнинг ўзлаштиришига, олиб чиқилишига таъсирини ҳамда улар орасидаги боғлиқликни аниқлаш ўрганиш;

кобальт микроўғитининг ғўзани ўсиши, ривожланиши, қуруқ модда тўплаши, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига таъсирини аниқлаш;

пахта етиштиришда кобальт микроўғитини қўллаш самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Зарафшон водийсида (Самарқанд, Навоий-Конимех, Бухоро ва Қоракўл воҳалари) тарқалган асосий тупроқ типлари, В, Мп, Со, Су, Zn, Мо каби микроэлементларнинг техник тузлари, ўрта толали ғўзанинг Омад ва Бухоро 8 навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети микроэлементлар (В, Су, Zn, Мо, Мп, Со) нинг ялпи ва ўзлаштирилувчан шакллари, тупроқ муҳити реакцияси, гумусли ҳолати, озик моддалар миқдори, гранулометрик таркиби, микроўғитларни қўллаш муддати, меъёри ва усули, озик моддаларнинг ғўза органларига ўтиши, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблаш ва кузатишлар «Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником в условиях орошения» ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» бўйича, агрохимёвий, агрофизикавий таҳлиллар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Агрохимические методы исследования почв», «Методика агрохимических исследований» бўйича ўтказилган. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили «Методика полевого опыта» ва «Тажриба натижаларининг статистик таҳлили» бўйича аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Зарафшон водийси шароитида ялпи ва ўзлаштирилувчан шаклдаги микроэлементлар миқдори воҳалар ва тупроқ типларида фаркланиши, уларнинг миқдори муҳит реакциясига, гранулометрик таркибига, гумусли ҳолатига, озик моддаларга боғлиқлиги ($r > 0,7$) аниқланган;

микроэлементларнинг чигитларни ивитишда фойдаланиладиган концентрациялари (Со, Су ва Zn - 0,01%, Мо ва В - 0,05%, Мп - 0,1%) ишлаб чиқилган;

сульфатли ва хлорли шўрланган шароитда микроэлементларнинг чигит унувчанлигига таъсири ва ушбу фонларда фойдаланиладиган микроэлемент турлари аниқланган;

кобальтнинг ғўзага таъсири, унинг физиологик аҳамияти, ўсимлик талабининг критик ва максимал даври ҳамда озикланиш жараёнида кобальт ва NPKнинг ўзаро таъсири аниқланган;

ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишда кобальт микроўғитини қўллашнинг қулай меъёр, муддат ва усуллари ҳамда ҳосилдорликнинг ошиши ва маҳсулот сифатининг яхшиланиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Зарафшон водийси шароитида ялпи ва ўзлаштирилувчан шаклдаги микроэлементлар миқдори муҳит реакциясига, гранулометриқ таркибига, гумусли ҳолатига, озик моддаларга боғлиқлиги аниқланган.

Мис, рух ва кобальт сульфатларнинг паст (0,01%) концентрацияларида, аммоний молибдат ва борат кислотанинг 0,05 ва марганец сульфатнинг 0,1%ли эритмаларида чигитларни ивитиш уларнинг паст ҳарорат ва юқори намликда ҳам униб чиқиш энергияси ва унувчанлиги юқори бўлишини таъминлаган.

Кобальт микроўғити ғўзанинг сув буғлатишини камайтириб, сув сақлаш қобилиятини 0,2-6,4%га оширган ва ташқи салбий омилларга бардошлигини таъминлаган. Чигитларни кобальтнинг 0,01%ли эритмасида ивитиш экиш ва шоналаш фазасида 0,4 кг/га меъёрда қўллаш юқори агрономик (қўшимча ҳосил 0,23 т/га), иқтисодий (рентабеллик ошиши 4,5-6,0%) ва биоэнергетик (2,07 энергия бирлиги) самарадорликни таъминлаган.

Шунингдек, ўғитларни рационал қўллаш тизимини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Илмий тадқиқот ишлари материалларидан ўқув жараёнида талабаларига Агрокимё, Пахтачилик, Ўғит қўллаш тизими фанларини, шунингдек 5А401102-Агрокимё мутахассислиги магистрларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги вариацион-статистик иаҳлиллар билан исботланганлиги; ҳар хил омиллар орасида ишонарли корреляцион боғлиқлик аниқланганлиги; гумус миқдори, гранулометриқ таркиб ва ўсимликларга ўзлаштирилувчан микроэлементлар ўртасида корреляцион боғлиқлик аниқланганлиги; тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, олинган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги; ўтказилган тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги ва ҳар йили ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги ва изланишлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги; тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Зарафшон водийси ўнг ва чап соҳили шароитида турли тупроқ тип ва типчалари ҳайдов ҳамда ҳайдов ости қатламларида В, Mn, Co, Cu, Zn, Mo сингари микроэлементларнинг ўзлаштирилувчан шакллари миқдори гранулометриқ таркибга, гумус миқдори ва тупроқ эритмаси реакциясига боғлиқлиги ($r > 0,7$) аниқланганлиги, микроўғитларни қўллашнинг илмий асосланган тизими ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чигитларни микроўғитларнинг мақбул концентрацияларида (Co, Cu ва Zn - 0,01%, Mo ва В - 0,05%, Mn - 0,1%) ивитиш, бундан ташқари ғўза етиштиришда кобальтни қулай меъёр, муддат, усулларда (0,4 кг/га меъёрда, шоналаш фазасида, тупроққа) қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тупроқларнинг микроэлемент таркиби, микроўғитларнинг пахта етиштиришдаги самарадорлигини ошириш борасида олиб борилган тадқиқотлар асосида:

«Пахта етиштиришда микроўғитлардан фойдаланишга оид тавсиялар» ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 22.03.2017 й., 02/20-264-сон маълумотномаси). Тавсияларни амалиётга қўллаш натижасида гектаридан 0,3-0,4 тонна қўшимча ҳосил олишга эришилган;

сульфатли ва хлорли шўрланган шароитлар учун чигитларни ивитишда фойдаланиладиган микроэлемент тузларига аниқлик киритилган, ушбу тадбирни қўллаш (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 22.03.2017 й., 02/20-264-сон маълумотномаси) натижасида жуда кучсиз сульфатли шўрланган шароитда марганецнинг 0,1% ва борнинг 0,05%, кучсиз ва ўртача шўрланган шароитда мис ва рухнинг 0,01%ли эритмалари чигитларнинг сульфатли шўрланишга, жуда кучсиз хлорли шўрланган шароитда эса борнинг 0,05 ва марганецнинг 0,1%, хлор билан кучсиз ва ўртача шўрланган шароитда молибденнинг 0,05 ва кобальтнинг 0,01%ли эритмалари чигитларнинг хлорли шўрланишга чидамлигини ошириб, чигитларнинг унувчанлиги 2,8-9,1% ошган;

чигитни экишдан олдин кобальт сульфатнинг 0,01%ли эритмасида ивитиш ҳамда ғўзанинг шоналаш фазасида кобальтни 0,4 кг/га меъёрда қўллаш технологияси Самарқанд ва Навоий вилоят пахтачилик фермер хўжаликларида 2015-2016 йилларда жами 558,7 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 22.03.2017 й., 02/20-264-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан 0,3-0,4 тонна қўшимча ҳосил, 400-550 минг сўмгача соф фойда олиниб, энергиядан фойдаланиш самарадорлиги 0,27-1,71 бирликка ошиб, рентабеллик даражаси 26,5-28,5%ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган маълумотларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган мақолалар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тупроқларнинг микроэлемент таркиби ва унинг ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида микроэлементларнинг тупроқдаги миқдори, географик тарқалиши ва профил бўйлаб миграцияси ҳамда уларнинг ўсимликларда кечадиган физиологик жараёнлардаги ролига оид олиб борилган тадқиқот яқунлари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, микроўғитларнинг қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан ғўзадаги самарадорлиги бўйича ўтказилган тадқиқотлар юзасидан адабиёт маълумотлари келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг хулоса қисмида қисқа ҳолда бу муаммони ўрганишни давом эттириш лозимлиги, микроўғитларни пахтачиликда қўллаш технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш жойи, тупроқ-иқлим шароитлари ва қўлланилган услублар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, шунингдек тажрибада экилган навлар тавсифи келтирилган.

Кўп йиллик кўрсаткичларга кўра, водийда ҳаво ҳарорати 13,4-14,8 °С, совуқсиз даврнинг ўртача давомийлиги 200-211 кунни ташкил этади.

Зарафшон водийси Ўзбекистон Республикасининг тахминан марказий қисмида, шарқдан ғарбга қараб 400-420 км чўзилганлиги, чегараси шарқда 67°30' ва ғарбда 43°30' ни ташкил этиши, водий ушбу масофада ғарбий, жануби-ғарбий йўналишда аста-секин пасайиб ҳамда кенгайиб бориши, ҳар

бир воҳа тупроқларининг табиий-географик шароитлари ва агрокимёвий тавсифи келтирилган.

Дала ишлари суғориладиган тупроқ типини тавсифлайдиган таянч майдонлар бўйича экспедицион маршрут асосида ўтказилган. Бунда тупроқ намуналари ҳайдов, ҳайдов ости қатлам ва она жинс бўйича олинган (1-6-расмлар). Тупроқларни агрокимёвий тавсифлаш учун гумус, рН, ҳаракатчан фосфор, алмашинувчан калий, микроэлементлардан В, Мн, Со, Сu, Zn, Мо аниқланган.

Тупроқларнинг ҳайдалма қатламидаги микроэлементларнинг ялпи миқдори эталон сифатида қабул қилинган Курск қора тупроқларидаги СП-1 стандарт намуна миқдори (В - 53, Мн - 598, Со - 10, Сu - 22, Zn - 52, Мо - 1 мг/кг) билан таққосланган.

Тадқиқотларда микроэлементларнинг тупроқдаги ялпи миқдори МДХнинг барча тупроқлари учун қабул қилинган услубда (К.В.Веригина; Ю.И.Добрицкая, ялпи бор ва марганец Е.К.Круглова бўйича аниқланган.

Ўзлаштирилувчан шаклдаги микроэлементлар қуйидаги: сувда эрийдиган бор тупроқ ва сув 1:5 нисбатда 10 минут қайнатилган сувли сўримда хинализарин услубда, Мн – 0,1 н. H_2SO_4 сўримда, Со – 1 н. HNO_3 сўримда, Сu – 1 н. HCl сўримда, Zn – сиркали сўримда (рН=4,8), Мо – оксалат буферли сўримда (рН=3,3) радонитли усулда АА-1 (ГДР) приборида атом абсорбцион усулда аниқланган. Ўсимлик таркибидаги микроэлементлар Е.К.Круглова бўйича аниқланган.

Микроўғитлар самарадорлигини ўрганиш юзасидан тажрибалар бир неча йўналишда ташкил этилган: лаборатория тажрибалари орқали чигитларни микроэлемент тузларининг турли эритмаларида ивитиш натижасида энг қулай концентрацияларини; аниқланган концентрацияларда чигитни ивитишнинг сунъий яратилган сульфатли, хлорли шўрланишга чидамлигини; вегетацион тажрибалар орқали ғўзанинг кобальт микроэлементига талабини, талабнинг критик даврини, физиологик кўрсаткичларга таъсирини; дала тажрибалари орқали кобальт микроўғитини қўллаш муддати, меъёри ва усуллари аниқлаш ва уларнинг ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва бошқа кўрсаткичларига таъсири ҳамда кейинги йилги таъсири ўрганилган.

Лаборатория тажрибаларида микроўғитлар концентрацияларининг чигит унувчанлигига таъсирини ўрганишда О‘zDSt 1128:2006 стандарти асосида қумда-растильняларда ундириш усулидан фойдаланилган. Чигитлар қумга экишдан олдин турли микроўғитларнинг 0,5; 0,1; 0,05 ва 0,01%ли эритмаларида 12 соат давомида ивитилган (7-12- расмлар), бунда чигит ва эритма 2:1 нисбатда олинган. Шу билан бирга дистилланган сувда ивитиблиб экилган вариантдан назорат сифатида фойдаланилган. Лаборатория тажрибаларида чигит унувчанлиги ҳар бир вариантда 100 донадан, 8 такрорликда, 70% намликдаги қумда 15 ва 30 °Сда 4- кун, 50 ва 70% намликда эса 15 ва 30 °Сда қайд қилиб борилган.

Чигитнинг шўрга чидамлигини тадқиқ этишда Na_2SO_4 ва NaCl нинг турли концентрацияларида (0,2; 0,4 ва 0,6% SO_4^{2-} ва 0,03; 0,06 ва 0,12% Cl^-) ҳар бир вариантда 8 такрорликда микроўғитларнинг қулай концентрацияларида 12 соат ивигилган, Петри ликопчаларида 25 донадан ҳаммаси бўлиб 200 дона чигит дистилланган сувда ундирилган вариантга қиёсан баҳоланган (1-жадвал).

Вегетацион тажрибаларда кобальтнинг ўсимликдаги физиологик жараёнларга таъсири ўрганилган, ғўзанинг кобальтга критик ва максимал талаби даври тадқиқ қилинган (2, 4-жадваллар). Бунинг учун ғўзани қумли муҳит (қум культураси)да ўстириш услубидан фойдаланилган. Тажрибалар 32 кг идишларда (сосуд), 6 такрорликда, М.А.Белоусов, Б.М.Исаев (1977) озик аралашмасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Идишдаги намлик капилляр нам сиғимига нисбатан 70% миқдорда ушлаб турилган. Ҳар бир идишда яганадан сўнг 10 туп ўсимлик қолдирилиб, ҳар бир фазада 2 тупдан намуналар олинган ва биометрик ўлчашлар амалга оширилган.

Дала тажрибалари Самарқанд воҳасининг эскидан суғориладиган типик бўз (Пастдарғом тумани, 6-7- жадваллар) ва Қоракўл воҳасининг ўтлоқи аллювиал (Олот тумани, 8-жадвал) тупроқларида ўтказилган. Дала тажрибалари ҳудуд учун районлаштирилган ғўза навларида мос равишда Омад ва Бухоро 8 навларида амалга оширилган.

Дала тажрибалари 4 такрорликда, ҳар бир пайкалчанинг юзаси 120 м^2 . Чигит ҳудуднинг технологик харитаси асосида экилиб, шу ҳудуд учун мос туп сони қолдирилган.

Дала тажрибаларини қўйиш, ҳисоблашлар ва кузатишлар «Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения» ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» асосида амалга оширилган.



Агрохимёвий, агрофизикавий таҳлилларни бажаришда «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Агрохимические методы исследования почв», «Методика агрохимических исследований» услубий қўлланмалар асосида: тупроқ таркибида гумус И.В.Тюрин бўйича; умумий азот, фосфор ва калий И.М.Мальцев, Л.П.Гриценко бўйича; ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий (мг/кг) Б.П.Мачигин бўйича, тупроқ муҳити (рН) шиша электродда потенциометрик усулда аниқланган. Ўсимлик намуналаридан умумий азот ва фосфор К.Гинзбург, Г.Щеглова ва Е.Вульфиус услубида, умумий ва алмашинувчан калий алангали фотометрда, оксилли ва оксилсиз азот Барнштейн услубида, ўсимлик таркибидаги кобальт Е.К.Круглова бўйича аниқланган.

Тажрибаларда қуйидаги ҳисоблаш, кузатиш ва таҳлиллар ЎЗПИТИ услубида, баргнинг сув сақлаш қобилияти – 2 соат давомида йўқотилган сув миқдорини ҳисоблаш (Б.А.Ягодин, орқали, фотосинтез соф маҳсулдорлиги ($\text{г/м}^2 \cdot \text{сутка}$) ривожланиш даврлари бўйича А.А.Ничипорович тенгламаси асосида, толанинг сифат кўрсаткичлари вилоят ҳудудий «Сифат» лабораториясида НВИ ускунасида бажарилган.

Диссертациянинг «Зарафшон водийси тупроқларининг микро-элементли таркиби, микроэлементлар тарқалишининг илмий асослари» деб номланган учинчи бобда ялпи ва ўзлаштирилувчан микроэлементлар миқдори, уларнинг тупроқ профили бўйлаб миграцияси, тарқалиш тавсифи баён қилинган.



Сувда эрийдиган бор ҳайдалма қатламда 0,32-2,83 мг/кг бўлиб, жуда кам ва кам таъминланган гуруҳга мансуб. Сувда эрийдиган борнинг тупроқ хоссалари билан боғлиқлиги барча кўрсаткичлар бўйича тўғри ($y=a+bx$), алмашинувчан калий билан тесқариллиги ($y=a-bx$) аниқланган, яъни майда фракциянинг кўпайиши ва муҳитнинг ишқорийлиги ошиши билан сувда эрийдиган борнинг кўпайиши исботланган (1-расм).

Ўзлаштирилувчан марганец ҳайдалма қатламда 70,40-200,13 мг/кг бўлиб, етарли юқори таъминланган гуруҳга мансуб. Тупроқ хоссалари билан боғлиқлиги кўпчилик кўрсаткичлар бўйича тўғри чизиқли ($y=a+bx$) бўлганлиги қайд этилиб, энг кучли боғлиқлик ($r>0,7$) гранулометриқ таркиб ва рН билан муносабатда қайд қилинган. Ҳаракатчан фосфорга кўра боғлиқлик гипербола кўринишида ($y=a+bx-cx^2$), фосфорнинг 25-26 мг/кг гача бўлиши марганец миқдорига ижобий, кўп бўлиши эса салбий таъсир қилиши аниқланган (2-расм).





Ҳаракатчан кобальт ҳайдалма қатламда 0,13-0,52 мг/кг бўлиб, жуда кам ва кам таъминланган гуруҳга мансуб. Унинг миқдори тупроқ она жинси ва гранулометриқ таркибга кучли боғлиқ ($r>0,7$) бўлиб, она жинсдаги миқдорининг кўпайиши ва гранулометриқ таркибнинг оғирлашиши билан ҳаракатчан кобальт миқдорининг ортиши аниқланган (3-расм).

Ўзлаштирилувчан мис ҳайдалма қатламда 0,24-1,89 мг/кг бўлиб, жуда кам ва кам таъминланган гуруҳга мансуб. Лойсимон фракциясининг ва гумуснинг кўпайиши билан ўзлаштирилувчан мис камаяди, эътимол тупроқ эритмасидаги анионлар билан бирикиб, ўзлаштирилмайдиган бирикмалар ҳосил қилиши билан боғлиқ (4-расм).



Ўзлаштирилувчан рух ҳайдалма қатламда 0,71-2,99 мг/кг бўлиб, кам таъминланган гуруҳга мансуб. Унинг миқдори гранулометриқ таркибга, она жинсга боғлиқ ($r > 0,7$) тарзда ошиши кузатилса, гумусли ҳолатига кўра ($r > 0,3$) кучсиз ошиши аниқланган, яъни она жинсдаги миқдори ва лойсимон фракция ошишига кўра ўзлаштирилувчан рух кўпайса, гумус миқдори кўпайишига кўра сезиларсиз ошган. Қайд этиш лозимки, ҳаракатчан фосфор билан ўзаро муносабатда гипербола кўринишидаги ($y = a + bx - cx^2$) боғлиқлик кузатилиб, фосфорнинг камлигида ортиши кузатилса, фосфорнинг кўплигида камаяди, эҳтимол бу, кам эрийдиган рух фосфатлар шаклланиши билан боғлиқ (5-расм).

Ўзлаштирилувчан молибден ҳайдалма қатламда 0,11-0,41 мг/кг бўлиб, кам ва ўртача таъминланган гуруҳга мансуб. Гранулометриқ таркибга ($r > 0,7$), она жинс, рН, ялпи миқдорига боғлиқ ($r = 0,3-0,7$) равишда кўпайиши кузатилса, алмашинувчан калий ва ҳаракатчан фосфор билан таъминланишига кўра камайиши ($y = a - bx$) қайд этилган (6-расм).





Диссертациянинг «**Чигитларни ундиришда микроўғитлар самарадорлигини оширишнинг илмий асослари**» деб номланган тўртинчи бобида лаборатория тажрибаларида чигитларни ивитишда кобальт, мис ва рух тузларининг паст концентрациялари (0,01%) униб чиқиш энергияси ва унувчанликка ижобий таъсир кўрсатса, молибден ва борнинг 0,05, марганец тузининг 0,1%ли концентрацияли эритмалари юқори самара бериши аниқланган. Тадқиқ қилинган микроўғитларнинг кўрсатилган оптимал концентрацияларидан четга оғилганда унувчанлик бирмунча камайган, концентрациянинг янада юқори бўлиши (0,5%) эса салбий таъсир кўрсатган.

Микроўғитларнинг 0,01%ли эритмасида чигитларни ундиришда микроўғитлар билан унувчанлик ўртасида тўғри чизиқли боғлиқлик ($y = 83,46 + 1,10x$; $r = 0,89$) мавжудлиги аниқланган. Шунга кўра, ушбу эритмани



тайёрлашда энг мақбул микроэлементлар кобальт, мис ва рух эканлиги ойдинлашади (7-расм).

Микроўғитларнинг 0,05%ли эритмасида чигитларни ундиришда парабола кўринишидаги боғлиқлик ($y=80,52-1,22x+0,48x^2$; $r=0,95$) қайд этилган. Шунга кўра, молибден ва борнинг 0,05%ли эритмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган (8-расм).



Микроўғитларнинг 0,1%ли эритмасида чигитларни ундиришда тўғри чизиқли боғлиқлик ($y=61,06+4,31x$; $r=0,99$) мавжудлиги аниқланган. Шунга мувофиқ чигитларни ундиришда марганецнинг 0,1%ли эритмасидан фойдаланиш мумкинлиги қайд этилган (9-расм).

Микроўғитларнинг 0,5%ли эритмасида чигитларни ундиришда микроэлементлар билан унувчанлик ўртасида гипербола кўринишидаги боғлиқлик ($y=20,83+17,80x-1,73x^2$; $r=-0,98$) қайд этилган. Статистик таҳлил натижалари асосида микроўғитларнинг 0,5%ли эритмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидланган (10-расм).



Микроўғитлар таъсири сунъий яратилган шўрланиш фониди ҳам тадқиқ этилган. Ушбу мақсадда чигитлар мис сульфат, рух сульфат ва кобальт сульфатнинг паст (0,01%), аммоний молибдат ва борат кислотанинг 0,05 ва марганец сульфатнинг 0,1%ли концентрацияли эритмаларида ивигилганда унувчанлик назоратга нисбатан тегишлича 1,5-6,5 ва 2,8-9,1% ошган. Шунга кўра, кучли шўрланган шароитда микроэлементлар таъсири камайса, тузларнинг салбий таъсирида микроэлементларнинг юқори концентрацияларида ҳам чигит унувчанлиги пасайиши аниқланган (1-жадвал).

Диссертациянинг «Пахтачиликда кобальтли ўғитлар самарадорлигини оширишнинг илмий асослари» деб номланган бешинчи бобида вегетацион тажрибаларда кобальт микроэлементининг ғўзада кечадиган физиологик жараёнлар, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва

маҳсулдорлигига таъсири ҳамда метаболизм жараёнининг ўзгариши баён қилинган.

1-жадвал

Шўрланиш типи, даражасида микроўғитларнинг чигит унувчанлигига таъсири, % (лаборатория тажрибалари)

Шўрланиш типи	Шўрланиш даражаси, %	Тажриба вариантлари						
		Дистилланган сув – назорат	B	Mn	Co	Cu	Zn	Mo
Сульфатли (SO ₄ ⁻)	жуда кучсиз -0,2	80,9**	86,2	87,4	84,3	82,4	83,3	84,2
	кучсиз -0,4		74,1	73,3	77,2	80,3	78,2	77,0
	ўртача - 0,6		71,3	70,2	73,7	77,6	75,4	73,4
Хлорли (Cl)	жуда кучсиз -0,03	84,3**	93,4	92,1	90,3	88,1	89,4	87,1
	кучсиз - 0,06		80,2	81,3	82,7	83,2	82,0	84,6
	ўртача -0,12		73,3	74,6	78,2	75,3	78,4	80,3
ЭКИФ (ш.т) ₀₅			7,1	5,2	6,4	6,3	6,6	3,3
ЭКИФ (ш.д) ₀₅			13,3	16,7	12,5	13,2	11,3	11,3
Sx%			1,7	1,9	2,1	1,8	2,1	1,7

Изоҳ: ** белгиси остида дистилланган сувдан фойдаланилган ва ундирилган;
ш.т. - шўрланиш типи; ш.д. - шўрланиш даражаси.

Кузатиш ва таҳлил натижаларига кўра, озик моддалар эритмасида кобальтнинг бўлмаслигида 54,5 г/туп ҳосил олинган бўлса, фон+шоналай бошлаганда 0,3 мг/л қўлланилган вариантда фонга нисбатан 1,15% кам ҳосил олинган фон+гуллай бошлаганда 0,3 мг/л кобальт қўлланилганда ҳосил фонга нисбатан 1,08% ошган (2-жадвал).

2-жадвал

Кобальт микроэлементининг пахта ҳосилига таъсири, қумли муҳит (2011-2012 йй.)

№	Тажриба варианты	Кўсак сони, дона	1 дона кўсакдаги пахта массаси, г	1 туп ўсимликдаги пахта ҳосили	
				г	%
1	Кобальтсиз озик аралашма – фон	10,1	5,4	54,5	-
2	Фон+чигитни ивитиш (0,01%)	10,4	5,6	58,2	1,07
3	Фон+шоналай бошлаганда 0,3 мг/л	10,8	5,8	62,6	1,15
4	Фон+ялпи шоналашда 0,3 мг/л	10,9	5,9	64,3	1,18
5	Фон+гуллай бошлаганда 0,3 мг/л	10,9	5,4	58,9	1,08
6	Фон+ялпи гуллашда 0,3 мг/л	10,5	5,2	54,6	1,00
7	Фон+ шоналашда 0,6 мг/л	11,0	5,8	63,8	1,17
8	Фон+ шоналашда 1,2 мг/л	11,0	5,6	61,6	1,13
9	Фон+ шоналашда 2,5 мг/л	10,5	5,5	57,8	1,06
10	Фон+ шоналашда 5,0 мг/л	9,9	5,2	51,7	0,94

Кобальт концентрацияси 0,6 мг/л бўлганда пахта ҳосили 63,8 г ни ташкил этиб, кобальт дозасининг кейинги 2,5-5,0 мг/л гача ортишида ўсимлик массаси тўпланишига сезиларли таъсир этмаган.

Чигитни кобальт сульфатнинг 0,01%ли эритмасида ивитишда ғўза ўзининг имкониятларидан батамом фойдаланиб, дастлабки даврларда ўсиши, ривожланиши қулай бўлишини таъминлагани ҳолда вегетация охирига келиб энг яхши, яъни фон+ шоналашда 0,6 мг/л вариантга нисбатан ҳосилнинг 0,10% камлиги кузатилган.

Ғўзанинг ривожланиш даврлари бўйича кобальт миқдори ва олиб чиқилишининг кўрсатишича, ўсимликнинг кобальтга критик даври 4-5

чинбарглик фазаси эканлиги аниқланган. Кейинчалик ўсимликдаги кобальт миқдори бирмунча камайган, бироқ умумий талаб ошган ва максимум талаб ялпи мева тугиш даври эканлиги баён қилинган. Ушбу даврда ўсимликдаги кобальт миқдори 0,43-0,65 мг/кг бўлса, унинг ўсимликдаги умумий миқдори ўсимлик қуруқ массасида 0,015-0,046 мг ни ташкил этган. Шунга кўра, барча ривожланиш фазаларида кобальтнинг энг юқори миқдори чигитларни ивитишда ҳамда шоналаш фазасида қўлланилганда кузатишган (3-жадвал).

3-жадвал



Ўзанинг ривожланиш давлари бўйича ўсимликнинг кобальтга талаби (қумли муҳит, 2011-2012 йй.)

№	униб чиқиш - 4-5 чинбарглик		4-5 чинбарглик - шоналаш		шоналаш – гуллаш		гуллаш – ялпи мева тугиш		ялпи мева тугиш – вегетация охирида	
	*	мг/кг	*	мг/кг	*	мг/кг	*	мг/кг	*	мг/кг
1	0,001	0,86	0,002	0,80	0,012	0,57	0,015	0,43	0,003	0,19
2	0,002	1,04	0,003	1,01	0,016	0,74	0,038	0,61	0,006	0,22
3	0,001	1,07	0,003	1,04	0,020	0,78	0,040	0,65	0,028	0,29
4	0,001	1,08	0,003	1,03	0,020	0,76	0,038	0,64	0,007	0,27
5	0,001	1,05	0,002	1,02	0,018	0,75	0,036	0,63	0,007	0,26
6	0,001	1,01	0,002	1,00	0,017	0,74	0,046	0,61	0,006	0,25
7	0,002	1,09	0,003	1,12	0,024	0,78	0,045	0,65	0,011	0,32
8	0,002	1,07	0,003	1,11	0,021	0,76	0,044	0,63	0,010	0,30
9	0,002	1,04	0,003	1,11	0,022	0,74	0,043	0,61	0,009	0,29
10	0,002	1,01	0,003	1,08	0,019	0,73	0,040	0,58	0,007	0,27

Изоҳ: * - ўсимлик қуруқ массасида, мг

Вегетацион тажрибаларда ўсимликдаги кобальт миқдори ва маҳсулдорликнинг кобальтни қўллаш муддатига боғлиқлиги гипербола кўринишида ($y=a+bx-cx^2$; $r>0,7$) эканлиги, яъни кобальт ялпи шоналашгача қўлланилганда ўсимлик маҳсулдорлигининг ошиши кузатилиб (11-расм), кобальтнинг таъсири юқори бўлган бўлса, қўллаш муддатининг кейинга сурилиши билан маҳсулдорликнинг пасайиши қайд этилган. Шундай қилиб, кобальтли ўғитларни кечикиб қўллашнинг самарадорлиги кам.

Қуруқ модда (ҚМ) ва маҳсулдорликнинг кобальт меъёри орасида гипербола кўринишида боғлиқлик ($y=a+bx-cx^2$; $r>0,7$) мавжудлиги, яъни кобальт концентрациясининг 0,6 мг/л дан кейинги ортиши билан маҳсулдорликнинг қисман камайиши аниқланган (12-расм).



Баргнинг сув сақлаш қобилияти ғўза баргидан қирқиб олинган намуна массасини маълум вақт оралиғида (2 соат мобайнида) ўлчаш ва буғланган сув миқдорини (%) ҳисоблаш орқали аниқланган.

Фазалар бўйича маълумотлар таҳлиliga кўра, чигитлар кобальтнинг 0,01%ли эритмасида ивителиб экилган 2- вариантдаги ўсимликнинг 4-5 чинбарглик фазасида сув сақлаш қобилияти энг юқори, яъни ўрганилган вақт давомида сувни йўқотиши энг кам бўлганлиги (23,3%) қайд этилган, кобальтсиз озик аралашмада ўстирилган вариантларда эса 29,5-29,7%ни ташкил этган (4-жадвал), ушбу тенденция ўсимликнинг кейинги ривожланиш даврларида ҳам сақланиб қолган. Ўсимликнинг шоналаш фазасида кобальтли озик аралашмали (3, 7, 8, 9, 10) вариантларда баргларнинг сувни йўқотиши 21,4-21,9% бўлганлиги, кобальтсиз озик аралашмали вариантларда эса 27,3% бўлганлиги аниқланган.

Таъкидлаш керакки, ғўзага кобальт микроўғити кечиктириб қўлланилганда баргларнинг сув сақлаш қобилияти пасайиши аниқланган. Шоналаш фазасида баргларнинг сув сақлаш қобилияти ва кобальт микроўғитини қўллаш муддатлари ўртасида гипербола ($y=14,1+9,03x-1,45x^2$; $r=0,97$), гуллаш фазасида эса парабола кўринишидаги боғлиқлик ($y=23,07-4,64x+1,23x^2$; $r=0,96$) мавжудлиги аниқланган. Шунга асосланиб, баргларнинг сув сақлаш қобилиятига кобальтнинг таъсири, уни шоналаш фазасида қўлланилганда энг юқори самара бериши кузатилиши баён қилинган.

4-жадвал

Кобальтли озикланиш шароитининг баргни сув сақлаш қобилиятига таъсири (қумли мухит, 2012-2013 йй.)

№	Тажриба вариантлари	4-5 чинбарглик	Шоналаш	Гуллаш	Ялпи мева тугиш
1	Кобальтсиз озик аралашма – фон	29,7	27,3	24,4	20,3
2	Фон+чигитни ивителиш (0,01%)	23,3	22,9	21,2	16,8
3	Фон+шоналай бошлаганда 0,3 мг/л	29,7	21,4	19,4	15,5
4	Фон+ялпи шоналашда 0,3 мг/л	29,5	27,2	19,5	15,4
5	Фон+гуллаш бошлаганда 0,3 мг/л	29,7	27,3	19,4	15,5
6	Фон+ялпи гуллашда 0,3 мг/л	29,6	27,3	24,4	16,3
7	Фон+ шоналашда 0,6 мг/л	29,5	21,4	19,3	15,1
8	Фон+ шоналашда 1,2 мг/л	29,6	21,7	19,6	15,4
9	Фон+ шоналашда 2,5 мг/л	29,6	21,7	19,5	15,2
10	Фон+ шоналашда 5,0 мг/л	29,7	21,9	19,6	15,3

Кобальт микроўғити турли меъёрларининг баргларни сув сақлаш қобилиятига таъсири ўрганилганда, кобальт микроўғити меъерининг ошиши билан баргларнинг сув сақлаш қобилияти пасайган, ўғит меъерининг 0,6 мг/л ва 1,2 мг/л дан кейинги ортиши салбий таъсир кўрсатган.

Диссертациянинг «Кобальтни қўллаш муддати, меъери ва усуллари асосида ғўзанинг озикланишини мақбуллаштириш» деб номланган олтинчи бобида 2012-2016 йиллар давомида Самарқанд воҳаси типик бўз тупроқлари шароитида Омад ғўза навига кобальт микроўғитини турли муддат, меъёр ва усулларда қўллаш юзасидан ўтказилган дала тажрибалари натижалари келтирилган. 2012 йилги тажрибаларда ўсимлик бўйи 1 июн

ҳолатига 16,5-20,3 см, 1 июл ҳолатига 49,1-54,5 см, ушбу даврда бош поянинг суткалик ўсиши 1,05-1,19 см ни ташкил этган.

Математик-статистик таҳлил асосида ўсимлик биометрик кўрсаткичлари кобальтни қўллаш муддати, меъёри ва усулларига боғлиқлиги аниқланган (5-жадвал).

5-жадвал

Ўсимлик биометрик кўрсаткичларининг кобальтли озикланишга реакцияси

Ўғитлаш:	Биометрик кўрсаткичлари	Корреляция коэффициенти	Регрессия тенгламаси
Муддати	ўсимлик бўйи, см	$r = 0,95$	$y = 70,42 + 17,30x - 3,68x^2$
	ҳосил шохи, дона	$r = 0,91$	$y = 9,33 + 0,6x - 0,13x^2$
	кўсак сони, дона	$r = 0,87$	$y = 11,3 + 2x - 0,4x^2$
Меъёри	ўсимлик бўйи, см	$r = 0,92$	$y = 62,02 + 16,32x - 2,88x^2$
	ҳосил шохи, дона	$r = 0,89$	$y = 11,15 + 1,38x - 0,3x^2$
	кўсак сони, дона	$r = 0,80$	$y = 8,95 + 0,75x - 0,15x^2$
Усули	ўсимлик бўйи, см	$r = 0,99$	$y = 53,77 + 16,15x - 4,83x^2$
	ҳосил шохи, дона	$r = 0,97$	$y = 10,25 + 2,34x - 0,4x^2$
	кўсак сони, дона	$r = 0,96$	$y = 9,33 + 0,43x - 0,08x^2$

Кобальтни ўсимликнинг шоналаш фазасида 0,4 кг/га меъёрда қўллаш, шу билан бирга чигитларни кобальтнинг 0,01%ли эритмасида ивитиб экиш энг юқори самара бериши статистик жиҳатдан исботланган.

Шоналаш фазасида NPK-фон вариантыдаги ғўза баргларида умумий азот миқдори 2,65%, кобальтни қўллаш муддати, меъёр ва усуллари таъсирида 2,80-2,95%ни ташкил этган бўлса, оқсилли азот миқдори умумий миқдорга нисбатан мос равишда вариантлар бўйича 67,2% ва 72,5-75,2% бўлганлиги аниқланган.

Ушбу тенденция гуллаш фазасида ҳам сақланиб, NPK-фон вариантыдаги ғўза баргларида умумий азот 2,67%, оқсилли азот 1,79%ни ташкил этган бўлса, кобальт қўллаш натижасида мос равишда 3,03-3,58; 0,77-0,81% бўлганлиги қайд этилган.

Шундай қилиб, кобальт микроўғити ўсимликка азотнинг ўзлаштирилиши кучайишини таъминлайди, шунга кўра, ўсимлик метаболизмида азот ўзлаштирилиши кучаяди, оқсилли бирикмалар ҳиссаси ошади. Буни маълумотларнинг статистик таҳлили ҳам тасдиқлайди, яъни ўсимликка азотнинг ўзлаштирилиши ва кобальтни қўллаш муддати ҳамда меъёрлари ўртасида гипербола кўринишидаги боғлиқлик ($y=a+bx-cx^2$; $r>0,7$) мавжудлиги аниқланган. Шоналаш фазасида 0,4 кг/га меъёрда кобальт қўлланилганда оқсилли азот кўп миқдорда тўпланган.

Кобальтни турли муддат, меъёр ва усулларда қўллаш азотли ўғитлар самарадорлигини оширган, 1 т чигитли пахта яратиш учун азот сарфи 1-1,5 кг га камайган.

Кобальтли ўғитлар ўсимликларнинг фосфордан фойдаланишига ҳам таъсир кўрсатган, агар ўсимликнинг шоналаш фазасида NPK-фон вариантыда баргдаги умумий фосфор миқдори 0,81%, органик фосфор 0,33%ни ташкил этган бўлса, кобальт таъсирида мос равишда 0,71-0,80; 0,34-0,53%

бўлганлиги, яъни ўсимликнинг фосфордан фойдаланиши яхшиланиши ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этган ва 1 т маҳсулот етиштириш учун фосфор сарфи камайган. Шундай қилиб, 1т чигитли пахта етиштириш учун NPK-фон вариантыда 23,2 кг фосфор сарфланган бўлса, кобальт таъсирида 18,9-22,9 кг ни ташкил этган. Ғўзанинг умумий биомассаси билан олиб чиқилган фосфор мос равишда 69,5 кг/га ва 58,6-74,1 кг/га бўлганлиги аниқланган.

Ғўза баргларидаги органик фосфор миқдори ва ўсимликнинг кобальтли озикланиш ўртасида гипербола кўринишидаги ($y=a+bx-cx^2$) боғлиқлик мавжуд бўлса, минерал фосфор билан муносабатда эса парабола кўринишидаги боғлиқлик ($y=a-bx+cx^2$) қайд этилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, кобальтни шоналаш фазасида қўллаш органик фосфорнинг шаклланиш жараёнида фосфорнинг кўплаб ўзлаштирилишини таъминлаган. Ушбу тенденция кобальтни қўллаш муддати, меъёри ва усулларига кўра гуллаш фазасида ҳам сақланган.

Калий ғўзанинг вегетатив қисмларида энг кўп миқдорда тўпланган. Шунга кўра, кобальт қўлланилганда маҳсулот бирлигига ва бир гектардан олиб чиқиладиган калий миқдори камайган. NPK-фон вариантыда 1 т чигитли пахта шаклланиши учун 62,9 кг калий сарфланган бўлса, кобальт таъсирида 52,3-62,4 кг ни ташкил этган. Ғўзанинг умумий биомассаси билан олиб чиқилган калий мос равишда 188,0 кг/га ва 159,0-193,6 кг/га га тенглиги ҳисобга олинган.

6-жадвал

Ғўза органлари билан олиб чиқилган кобальт миқдори (дала тажрибалари, 2012-2016 йй.), Самарқанд воҳаси типик бўз тупроқлари, Омад нави

№	Тажриба вариантлари	Ғўза органлари билан олиб чиқилган миқдор, г/га						Жами
		илдиз	поя	барг	чанок	чигит	тола	
1	N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅ кг/га (фон)	0,70	1,87	1,72	0,94	1,66	0,92	7,81
2	Фон+чигитни ивитиш (0,01%)	0,83	2,21	2,02	1,10	1,95	1,09	9,20
3	Фон+чигитни ивитиш (0,01%) +экишгача 0,4 кг/га	0,98	2,62	2,40	1,31	2,30	1,30	10,91
